

## ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ ЖАРАЁНИНИ САМАРАЛИ БОШКАРИШ АСОСЛАРИ

**Аллакулова Широной Хасан кизи**

Тошкент Кимё Халқаро Университети туризм  
факультети талабаси

**Аннотация** Мақолада Ўзбекистоннинг зиёрат туризмиди ривожлантиришга қаратилган асосий йўналишлар, таъсир этувчи омиллар ва мавжуд имкониятлар ҳақида маълумот берилган. Бундан ташқари, диний туризм соҳаси, унинг тузилиши ҳамда зиёрат туризми ва ислом туризми каби тушунчаларга турли муаллифларнинг берган таърифлари таҳлил қилинган. Мақола мамлакатимизда зиёрат туризмиди ривожлантиришдаги эришилган ютуқларни ҳамда ечимини кутиб турган вазифаларни қамраб олган.

**Калит сўзлар:** диний туризм, зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми, туризм инфратузилмаси, туризмни ривожлантириш концепцияси, ҳалол стандарт.

**Абстракт** В статье представлена информация об основных направлениях, факторах влияния и имеющихся возможностях, направленных на развитие паломнического туризма в Узбекистане. Кроме того, анализируется сфера религиозного туризма, его структура, а также определения, данные разными авторами таким понятиям, как паломнический туризм и исламский туризм. В статье освещены достижения в развитии паломнического туризма в нашей стране, а также задачи, ожидающие решения.

**Ключевые слова:** религиозный туризм, паломнический туризм, религиозно-экскурсионный туризм, туристическая инфраструктура, концепция развития туризма, стандарт халяль.

**Abstract** The article provides information on the main directions, influencing factors and available opportunities aimed at the development of pilgrimage tourism in Uzbekistan. In addition, the field of religious tourism, its structure, and the definitions given by different authors to such concepts as pilgrimage tourism and Islamic tourism are analyzed. The article covers the achievements in the development of pilgrimage tourism in our country, as well as the tasks awaiting solution.

**Key words:** religious tourism, pilgrimage tourism, religious-excursion tourism, tourism infrastructure, tourism development concept, halal standard.

## Кириш

Жаҳон бўйлаб кўплаб маданий ва диний мерос объектлари борлиги сабабли, зиёрат туризми муҳим иқтисодий ва маданий аҳамиятга эга. Ушбу кириш қисмида, зиёрат туризмнинг тарихи, унинг глобал иқтисодиётдаги ўрни ҳамда бу соҳадаги бошқарув усуллари ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз боради. Шунингдек, биз мақола давомида зиёрат туризмини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришнинг замонавий ёндашувларини, шунингдек, бу жараёнда дуч келинадиган муаммо ва чақириқларни муҳокама қиламиз. Мақсадимиз, зиёрат туризмини самарали бошқариш учун зарур бўлган стратегия ва тавсияларни ишлаб чиқиш орқали ушбу соҳанинг сифатини ошириш ва унинг ижтимоий-иқтисодий таъсирини кучайтиришдан иборатдир.

## Асосий қисм

2019-2025 йиллар мобайнида Ўзбекистон Республикасининг туризмни ривожлантиришга оид концепцияси асосида мамлакат туризм соҳасини иқтисодиётнинг стратегик секторига айлантириш, туристик хизматларнинг хилма-хиллигини кенгайтириш ва сифатини юксалтириш ҳамда туристик инфраструктурани модернизация қилиш, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва самарали маркетинг стратегияларини амалга ошириш орқали туризмни такомиллаштириш кўзда тутилган. Ўзбекистон, айниқса, зиёрат туризми учун муҳим манзил ҳисобланади. Мамлакатда Ислом оламидаги нуфузли олимлар яшаган ва ижод қилган, шунингдек, бошқа дин вакиллари учун қадрли бўлган кўплаб тарихий ва муқаддас жойлар мавжуд. Масалан, Халифа Усмон давридан қолган ноёб Қуръони карим нусхаси сақланадиган Ҳазрати Имом мажмуаси, ислом уламиси Муҳаммад Ал-Бухорийнинг мақбараси, Нақшбандия тариқатининг етакчилари дафн этилган мақбаралар каби диққатга сазовор жойлар бор. Бу каби муқаддас ва тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш учун йилига минглаб сайёҳлар дунёнинг турли қитъаларидан Ўзбекистонга келишади.

Зиёрат туризми бозори мураккаб ва ўзига хос тизимлар мажмуи сифатида қаралади, бу эса унинг халқаро туризм соҳасидаги ролини таъкидлайди. Хусусан, зиёрат туризмнинг жаҳон бозорларидаги талаблари чуқур илмий изланишларни талаб этади, шунингдек, унинг шаклланиши, ривожланиши ва асосий тенденциялари каби масалалар ўрганилиши керак. Зиёрат туризми бозорининг ривожланиши тизимли ёндашув ва унинг туристик фаолиятнинг

комплекс табиатига, шунингдек миллий иқтисодиётнинг турли соҳалари билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган. Бу жараёнлар зиёрат туризми бозорининг макротизим сифатида мавжудлигини ва унинг самарали фаолиятини таъминловчи хусусиятларини намоён қилади.

Шунингдек, бу бозорнинг тизим сифатидаги элементлари замонавий тизимли назария ва тизимли таҳлилнинг назарий-методологик ёндашувлари орқали юзага келади. Жаҳонда тизим назариясини ривожлантиришда ва иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни тизимли ёндашув асосида ўрганишда Л. Берталанфи, А.А. Богданов, У. Эшби, Г. Саймон, П. Друкер, А. Чандлер каби олимлар муҳим ҳисса қўшганлар. Шунингдек, 1950 йилда ташкил топган "Янги бошқарув илми мактаби"нинг вакиллари, жумладан Л. Берталанфи, А. Рапопорт, Р. Акоф, Р. Калман, М. Месарович, С. Бир, В. Леонтьев ва бошқалар тизимли ёндашув ва назарияларнинг кенгайиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда туризмнинг ҳар турини ривожлантириш имкониятлари юқори экани экспертлар томонидан урғуланмоқда. Бироқ, туризм соҳасидаги мутахассислар орасида диний туризм ва зиёрат туризми тушунчалари ва уларнинг таркибий элементлари бўйича келишув мавжуд эмас. Кўпчилик мутахассислар диний туризмни, ўзи яшайдиган ҳудуддан ташқаридаги диний муқаддас жойларга ва марказларга сафар қилувчи туристларнинг эҳтиёжларини қондириш ва уларга хизмат кўрсатишга боғлиқ фаолият сифатида таърифлайдилар. Бу категория остида зиёрат туризми, диний-экскурсия туризми ва диний илмий туризм каби субтурлар мавжуд[2].

Диний туризм, ўз яшаш ҳудудидан бир йилга яқин вақт мобайнида диний марказлар ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш, маълум диний амалларни бажариш ва диний илмларни ўрганиш мақсадида саёҳат қилувчиларни ўз ичига олади. Зиёрат туризми эса, муқаддас жойларга ташриф буюриш ва у ерда белгиланган диний ритуалларни бажаришни ўз ичига олади, бу эса махсус хизматларни тақдим этувчи туризм турларидан биридир. Диний экскурсия туризми, асосан диний марказларга саёҳатни ўз ичига олади, бу ерда сайёҳлар диний обидалар, музейларни зиёрат қилиш ва диний тадбирларда иштирок этиш имкониятига эга бўладилар.

Бу турдаги туризм, шунингдек, илмий туризм билан узвий боғлиқдир, чунки олимлар турли мамлакатлар ва минтақаларга бориб, у ердаги диний меъморчилик ва диний анъаналарга оид объектларни,

қўлёзмаларни ўрганадилар. Мусулмонларнинг диний ибодатларни адо этиш, ризқ излаш ва бошқа мақсадларда дунё бўйлаб саёҳат қилишлари туризм соҳасида махсус ёндашувлар ва стандартларни жорий этилишига сабаб бўлган.

Туризм соҳаси мутахассислари мусулмонларнинг диний талабларига мос келадиган турли сабаблар билан амалга ошириладиган саёҳатларни барча учун тушунарли тарзда номлаш борасида мулоҳазалар юритганлар. Таклиф этилган "Зиёрат туризми", "Исломий туризм", "Диний туризм", "Шаръий туризм", "Ҳалол туризм" каби турли атамаларнинг ўзига хос муаммоли жиҳатлари бўлгани сабабли, кенг қўламли баҳс-мунозаралар орқали диний соҳа ва туризм бўйича мутахассисларнинг фикрлари асосида "мусулмонлар учун қулай туризм" (Muslim-friendly travel) деган атама маъқул деб топилган[3].

Ислом туризм маркази ислом туризмини қуйидагича таърифлайди: саёҳат пайтида исломий қоидаларга риоя қилган ҳолда содир бўладиган ҳар қандай ҳодиса ва учрашувлар, шунингдек зиёратлар ислом туризми доирасига киради. Бундан ташқари, мазкур марказ ислом туризмнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни белгиланган:

- турли йўналишлар бўйлаб саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- мусулмон мамлакатларига саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- исломий тамойилларга мувофиқ саёҳат қилувчилар;
- ислом меросини ўрганиш мақсадида саёҳат қилувчи мусулмонлар;
- ислом меросини ўрганиш учун саёҳат қилувчи мусулмон бўлмаганлар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг кўрсатиб ўтилган барча йўналишларини кенгайтириш учун етарлича имкониятлар мавжуд. Ўзбекистондаги тарихий ва муқаддас жойларга зиёрат қилиш учун йил сайин дунёнинг кўплаб мамлакатларидан минглаб зиёратчилар ва сайёҳлар келадилар.

Муҳимки, Ўзбекистон зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилган. Жумладан, Президентнинг 5611-сонли фармони билан 2017 йил 5 январдан бошлаб Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий ва диний-маънавий меросини ўрганишга келадиган хорижлик фуқаролар учун 2 ойгача муддатли Pilgrim визаси жорий этилган. Ўзбекистоннинг зиёрат

туризмни жаҳон даражасида тан олинши мамлакатда сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш ва туристлар оқимини оширишга катта туртки берган. Бироқ, зиёрат туризмни жалб қилиш учун фақат диний жойлар етарли эмас; унинг учун тарғибот ишлари, қулай виза тизими, аэропорт ва меҳмонхоналарда ибодат учун зарур шароитларни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, зиёрат туризмга оид маълумотлар базасининг мукаммал эмаслиги, туристларнинг келиб чиқиш мамлакати, маданияти, урф-одатлари ва диний қадриятларини ҳисобга олган ҳолда тур пакетларини таснифлашнинг йўқлиги, туристлар учун мўлжалланган объектларнинг хариталари ишлаб чиқилмаганлиги, зиёрат туризми инфраструктурасининг етарлича ривожланмаганлиги ва инновацион ёндашувлардан фойдаланиш механизмларининг илмий асосланмаганлигини тан олиш зарур. Зиёрат туризмни такомиллаштириш учун зарур инфратузилма объектлари, жумладан, меҳмонхоналар тизимини ривожлантириш, меҳмонхоналар, аэропорт ва вокзалларда меҳмонларни кутиш зали стандартларини зиёрат туризми талабларига мослаштириш муҳим. Бу борада 2018-2019 йилларда мамлакатимизда амалга оширилган қатор чора-тадбирлар эътиборга лойиқдир.

Натижада, юртимизга келаётган хорижий сайёҳлар сони ортди. 2019 йилда мамлакатимизга ташриф буюрган хорижлик сайёҳлар сони 6,7 миллион нафарга етган бўлиб, бу 2018 йилга нисбатан 126,2 фоизга кўпдир. Шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ошириш учун қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида Индонезия, Малайзия, Сингапур, Туркия, Жанубий Корея, Япония ва Исроил фуқаролари учун визасиз кириш тартиби ва яна 39 мамлакат фуқаролари учун соддалаштирилган виза тартиби жорий этилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон 86 давлат фуқаролари учун визаларни соддалаштирилган тартибда беришни амалга оширган. 2017 йилда Crescent Rating ташкилоти томонидан ўтказилган рейтингда Ўзбекистон 28-ўринни олган. Бу рейтингда мамлакатимиз хавфсиз саёҳат (100 дан 84 балл), ибодат учун жойларга кириш (80) ва овқатланиш имкониятлари (70) каби параметрлар бўйича юқори олган. Бироқ виза олиш (50), аэропорт инфраструктураси (48,3), оилавий таътил (44,4), яшаш шароитлари (33,2), мусулмонлар учун мос имкониятлар (25), сайёҳлар келиши (21,2) ва коммуникация (19) каби йўналишларда паст баҳолар

қайд этилган. 2018 йилда ушбу кам ривожланган йўналишларни яхшилаш устида иш олиб борилди.

Туризмни Ривожлантириш Давлат Қўмитаси Crescent Rating ташкилоти билан биргаликда Ўзбекистонда зиёрат туризмини такомиллаштириш учун тавсиялар тайёрлади. Халқаро аэропортларда ибодат учун керакли шароитлар яратилди, Малайзиянинг MS 2610:2015 стандартига асосланган ҳолда мамлакатимизда Oz DSt:2018 Туризм Хизматлари. Мусулмон Меҳмондўстлиги. Талаблар стандарти лойиҳаси тузилди. Мамлакатимизда биринчи бора ҳалол стандарти жорий қилинди. 2019 йилда Ўзбекистон халқаро зиёрат туризми рейтинги "Global Muslim Travel Index"да ўн поғона юқорилаб, 22-ўринни олди. Шу билан бирга, мамлакатимиз туризм хавфсизлиги ва бағрикенглик кўрсаткичлари бўйича Ислом Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар орасида энг яхши ўнталикка кирди [4].

## ХУЛОСА

Мамлакатимизда зиёрат туризмини ривожлантириш борасида катта ютуқлар қўлга киритилди ва соҳадаги асосий муаммолар ҳал этилди. Зиёраттуризмини такомиллаштириш учун зарур бўлган инфратузилма, жумладан меҳмонхоналар, аэропортлар ва вокзаллардаги кутиш залларини стандартларга мослаштириш масалалари диққат марказида бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистонда зиёрат туризмини янада ривожлантириш учун мавжуд маънавий ва моддий ресурсларни бирлаштириш, мамлакатимизнинг бойликларини тақдим этиш ва зиёрат туризмга бағишланган ягона электрон платформани яратиш илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш муҳимдир.

## АДАБИЁТЛАР РҲҲАТИ

1. <https://president.uz/uz/lists/view/3999> 2.
2. Христов Т.Т. Религиозный туризм: учебное пособие. Москва: Издательский центр "Академия", 2005. 288 с.
3. Холхўжаев С. Зиёрат туризми, Исломий туризм, диний туризм, шаръий туризм ва ҳалол туризм? Қай бир атама тўғри? <https://azon.uz/content/views/ziyorat-turizmi-islomiy-turizm-diniytur>
4. Туризм в Узбекистане 2019 год. <http://cloud.uzbektourism.uz/uzbektourism/downloads/files/Book-curved.pdf>